

Мавзу: Спорт – миллат шоншавкати. Мамлакатимизда спортга қаратилаётган эътибор.

10 - маънавият соати

**МАЪРУЗАЧИ: ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ КАФЕДРАСИ
ЎҚИТУВЧИСИ КАРИМОВ А.А.**

Спорт –миллатнинг, бутун
халқнинг сиёсати. Хеч
кимдан кам бўлмаган
авлодни вояга етказиш
мақсадида бошлаган ҳайрли
ишимиз ўз мевасини беради.

И .А. Каримов



Тадқиқотларга кўра, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида маърифатпарвар аждодларимиз яратган педагогик асарларнинг аксариятида болани жисмоний жиҳатдан соғлом этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, бу борада Абдурауф Фитратнинг ижтимоий тарбия негизида жисмоний тарбияни ташкил этиш, шахсни саломат ва бакувват этиб тарбиялаш масалаларига оид қарашлари диққатга моликдир. Унинг «Раҳбари нажот» асарининг «Бола тарбияси» номли бобида шундай дейилади: «Бадан тарбиясига қадим замонлардан бошлаб катта аҳамият берилган. Инсоннинг бутун аъзоси саломат ва қувватга эга бўлмаса, унда инсон узоқ яшамайди. Агар инсоннинг танасидаги аъзоларидан бирига халал тегса, у киши ишдан қўлини тортиб, бошқаларнинг муҳтожига айланади».

Ҳамма ҳам соғлом, тетик ва бақувват бўлишга, ўз ёшлиги, ҳусни ҳамда ишчанлик қобилиятини сақлашга ҳаракат қиласи. Бунга эришишнинг асосий омилларидан бири жисмоний ҳаракат саналади.

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, айни вактда, мамлакатимизда жисмоний жиҳатдан етук, соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги туб ислоҳотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида бу йўналишда амалга оширилиши кўзда тутилган муҳим вазифалар ўз ифодасини топган.



Жамиятимздаги жадал ривожланиш ва таракқиёт халқимиз хаётидаги тинчлик ва тўкинлик қалбидаги меҳнат севарлик ва шижаот мустақил давлатимизнинг тобора юксалиб бораётганидан далолатdir шу жумладан спорт соҳасидаги олиб борилаётган тўғри тизимли сиёsat Бугунги кунга тўла жавоб бера олади. Махаллий халқимизнинг ўзига хос шарқона урфодатлари, удумлари ва ананалари бор. Бизда айниқса қурилажак оила ва улар ўртасида соғлом авлодларнинг дунёга келиши оиланинг барқарор ва мустахкам бўлиши, уларнинг жамият ва қариндош – уриғлари орасидаги тарбиявий муносабатларга жиддий етибор билан ёндашиб келинади. Шунингдек миллий қадриятлар, шарқона урф одатлар соғлом турмиш тарзи хамиша эъзозланади.

Соғлом турмуш тарзи дастлаб оилада шакилланади, соғлом турмуш тарзини ё_лга қўйишда жисмоний тарбиянинг ўрни алоҳида ахамятга ега. Шу жумладан, соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида спорт соҳасида катта етибор берилмоқда . Бу борада спорт соҳасида олиб борилаётган ишлар самараси сифатида биз шуни аниқ кўришимиз мумкин юртимиз келажаги бўлган ёшларнинг онгидаги маънавий бўшлиғини ёд ғоялардан химоялашда самарали натижаларга еришилмоқда. Юртбошимиз ташаббуслари билан спортни ривожлантиришда таълим тизимининг босқичлари билан бевосита ва билвосита боғлиқликда олиб борилаётган сиёсати юртимиз келажаги бўлмиш ўсмир егит қизлар саломатлигини алоҳида назоратини кучайтириш ё_лида соғлом турмуш тарзини шакиллатириш уларни спорт тўгаракларга жалб қилиш мақсадида бўш вақтини мазмунли ўтказиш чора тадбирлари жорий қилиниб бугинги кунда юртимизда жорий қилинган спорт турларидан ўтказилиб бориладиган уч босқичли спорт байрами ўқувчи талаба ёшларни шижаатли ватанпарвар рухида тарбияланмоқда.

Мисол қилиб умумий ўрта таълим мактаби ёшлари ўртасида "Умид нихоллари" ўрта махсус касб хунар колледжлар талаба ёшлар ўртасида "Баркамол авлод" ва олий таълим ё_налишида таҳсил олаётган талаба ёшлар ўртасида "Универсиада" беллашувларини алоҳида такидлаш лозим бу босқичдан саралаб олинган ёшлар бутун жаҳон универсиадаларида ва ёзги олимпиада ўйинларида шоҳсупани юқорисдан жой эгаллаб совриндор бўлиб юртимиз бироғини юқори чўққиларда хилпиратмокда. Бу хам бир юртимида жорий қилинган уч босқичли спорт турлари анъанавий байрами натижасидир. Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спортга қаратилаётган эътибор барпо этилаётган жаҳон андозалари талабига мос келадиган спорт саройлар, футбол майдонлари ва замонавий ускуналар буни яққол исботидир.

ИСТАК БЎЛСА КИФОЯ

Албатта, барчанинг ҳам юқори малакали спортчи бўлиши, мусобақаларда қатнашиб, мукофотлар олиши шарт эмас. Лекин, инсон мунтазам равишда ўз имкониятидан келиб чиқиб спорт билан шуғулланиши, жисмоний чиниқиши кони фойда. Ёки ҳар куни бажариш имкони бўлган 15-20 дақиқалик эрталабки бадантарбия машғулотлари, 40-60 дақиқа давомида очик ҳавода пиёда юриш, тунги уйқу олдидан 20-30 дақиқалик сайд қилиш ҳам, албатта, бундай истаклар рўёбига киради.

Замонавий тибиёт инсоннинг жисмоний меҳнатга бўлган кам ҳаракати туфайли унинг саломатлик даражасининг пасайиши, ички аъзолар фаолиятининг бузилиши, ишлаш қобилиятининг паст кўрсаткичи ва талаб даражасида бўлмаган жисмоний ривожланиш каби холатларнинг мавжудлигини кўрсатмоқда. Зеро, қадимги файласуфларнинг, кишини ҳушсизлантирувчи ва соғлигига шикаст етказувчи нарса узоқ вақт жисмоний ҳаракат қилмасликдир, деган фикрлари боиси ҳам шунда. Буюк ҳаким Абу Али ибн Синонинг: «Бадантарбия - соғлиқни саклашда улуғвор усулдир», деган ўгити ҳар бир инсоннинг ҳаётий шиорига айланса, киши ҳеч қачон касалликка чалинмайди.



Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш ўсиб келаётган авлодни баркамол бўлиб вояга етиши, шу билан бирга, уларнинг бўш вақтдан унумли фойдаланишига имкон беради. Инсон организми ташқи муҳит билан уйғун, бир бутун ҳолда ривожланади. Ушбу уйғунлик, шунингдек, барча аъзолар фаолиятини марказий асаб тизими бошқариб туради. Доимий, узлуксиз равишда бажариладиган жисмоний ҳаракат киши соғлигига яхши таъсир этади: модда алмашинуви яхшиланади, организм тўқималари озиқ моддаларни яхши ўзлаштиради, парчалангандар моддалар организмни тезроқ тарк этади.

Ерталабки бадантарбия машғулотлари билан барча ёшдаги кишилар шуғулланиши мумкин. Машғулотлар узлуксиз, доимий равишда бажарилгандагина ижобий натижа беради. Узок муддатли танаффус эса олдинги машғулотлар таъсирининг пасайишига олиб келиши мумкин. Демак, ўз организмини чиниктириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, соғликни мустаҳкамлаш асосида узок умр кўришни истаган ҳар бир киши доимо жисмоний тарбия билан шуғулланиши, шунингдек, кундалик фаолиятини муайян тартиб асосида олиб бориши зарур.

Аслини олганда, ҳаракат учун энергия зарур, энергия эса озиқ-овқат маҳсулотлари ёғ ва углеводларни қайта ишлаш йўли билан олинади. Ҳаракат нафас, қон томирлари, овқат ҳазм қилиш, қон ишлаб чиқариш тизимларини такомиллаштиришга беради.



волейбол



крикет

ТЕТИКЛИК ТАЛАБИ

Шу сабабли, фаол жисмоний ҳаракат қиладиган кишилар руҳи енгил, тетик, қувватга тўлган, дили равшан, кайфияти юқори ва барқарор бўлади. Жисмоний машқларни бажариш натижасида организмнинг ҳимоя тизими яхши ривожланади. Шу ўринда физиолог-олимлар томонидан 200 нафардан ортиқ киши иштироқида ўтказилган тадқиқот натижасини мисол сифатида келтириш мумкин. Жисмоний машқлар билан доимий равишда ва изчил шуғулланувчи кишиларнинг ҳис-туйғулари даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилган мазкур тадқиқотнинг кўрсатишича, тажрибада иштирок этганларнинг 72 фоизи ўзини жуда баҳтиёр деб ҳисоблайди. Бунинг сабаби сифатида улар айнан узлуксиз равишда жисмоний машқлар билан шуғулланишини қайд этади.

Ш-БОСҚИЧЛИ УЗЛИКСИЗ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ

*** УМИД НИХОЛЛАРИ**

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА МУСОБАҚА


*** БАРКАМОЛ АВЛОД**

**КАСБ-ХУНАР ВА ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА
МУСОБАҚА**

*** УНИВЕРСИАДА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ЎРТАСИДА
МУСОБАҚА**


Семестр бўйича бўлиб ўтган спорт тадбирлари ва Академия терма жамоаси Республика ҳамда шаҳар мусобақаларида қатнашиш диаграммаси



Йил бўйича спорт секциялари

| 2014 ЙИЛ | 2015 ЙИЛ | 2016 ЙИЛ |
|--------------|--------------|--------------|
| МИНИ ФУТБОЛ | МИНИ ФУТБОЛ | МИНИ ФУТБОЛ |
| БАСКЕТБОЛ | БАСКЕТБОЛ | БАСКЕТБОЛ |
| СТОЛ ТЕННИСИ | СТОЛ ТЕННИСИ | СТОЛ ТЕННИСИ |
| ШАХМАТ | ШАХМАТ | ШАХМАТ |
| КУРАШ | БАДМИНТОН | БАДМИНТОН |
| | ВОЛЕЙБОЛ | ВОЛЕЙБОЛ |
| | ФУТБОЛ | КУРАШ |
| | | ФУТБОЛ |
| | | дзю-до |

Йил бўйича спорт секцияларини ўсиш диаграммаси



СПОРТ СЕКЦИЯСИДА ҚАТНАШУВЧИ ТАЛАБАЛАР СОНИ.

| № | Спорт турлари | 2014-2015 үқув йили | | 2015-2016 үқув йили | |
|-------------|---------------|------------------------|-----------|------------------------|-----------|
| | | ўғил | қиз | ўғил | қиз |
| 1 | Баскетбол | 15 | 10 | 16 | 11 |
| 2 | Мини футбол | 12 | - | 13 | - |
| 3 | Стол тениси | 9 | 7 | 10 | 6 |
| 4 | Волейбол | 16 | 11 | 16 | 12 |
| 5 | Кураш | 2 | - | 6 | - |
| 6 | Дзю-до | 3 | - | 5 | - |
| 7 | Бадминтон | - | 8 | - | 11 |
| 8 | Футбол | 25 | - | 22 | 11 |
| 9 | Шахмат | 8 | 7 | 10 | 6 |
| Жами | | 90 | 43 | 98 | 51 |

Академия терма жамоа сафидаги факультет бўйича спортчи-талабалар сони

| № | Факультетлар | Баскетбол | Волейбол | Кураш | Дзю-до | Мини футбол | Шахмат | футбол | Стол тениси | Жами |
|---|-------------------------|-----------|----------|-------|--------|-------------|--------|--------|-------------|------|
| 1 | Даволаш факультети | 9 | 7 | 4 | 4 | 3 | 1 | 6 | - | 34 |
| 2 | Тиббий проф. факультети | 2 | 3 | 1 | 1 | 7 | 1 | 6 | 3 | 24 |
| 3 | Тиббий пед. факультети | 3 | - | 1 | - | 2 | - | 3 | - | 10 |
| 4 | О.М.Х. | - | 7 | - | - | - | 3 | 8 | 1 | 19 |

2014-2015 ўқув йилидаги совриндор талабалар



**“Талаба”РСУ
спорт мусобақаси
1-ўрин соҳиби
Академия мини
футбол жамоаси**

**“Талаба”РСУ
спорт мусобақаси
3-ўрин соҳиби
Академия баскетбол
жамоаси**

**“Талаба”РСУ
спорт мусобақаси
3-ўрин соҳиби
ОМХ талабаси
Саъдиева Феруз**

**Дзю-до бўйича
Ўзбекистон чемпионати
3-ўрин соҳиби Даволаш
факультети талабаси
Самаов Асилбек**


2015-2016 ўқув йилидаги совриндор талабалар



“Талаба”РСУ спорт
мусобақаси
3-үрин сохиби Даволаш
факультети
талабаси Хайдаров
Жахонгир

“Талаба”РСУ спорт
мусобақаси
2-үрин сохиби Даволаш
факультети
талабаси Самадов Асилбек

“Универсиада-2016” спорт
мусобақалари 3-үрин
сохиби Академия футбол
терма жамоаси



“Бутун жаҳон остеопорозга қарши куни”га бағишлиланган спорт тадбири жараёни.

“Шифокор” спорт мажмуаси 20 октябрь 2015 йил



**2015 йил 22-28 июнь күнлари Германия элчихопаси томонидан
ташкыл қилинган Тошкент шаҳри ОТМ талаба қизлари ўртасида
футбол турнири.**

Ўзбекистон футбол федерацияси



2014-2015 ЎҚУВ ЙИЛИДА ТОШКЕНТ ТИБИЁТ АКАДЕМИЯСИДА БЎЛИБ ЎТГАН МУСОБАҚАЛАРДАН ЛАВХАЛАР



2014-2015 ЎҚУВ ЙИЛИДА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯИДА БЎЛИБ ЎТГАН СПОРТ БАЙРАМЛАРИДАН ЛАВХАЛАР



2014-2015 ЎҚУВ ЙИЛИДА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА, ШАХАР МУСОБАҚАЛАРИДА ИШТИРОКИ



АКАДЕМИЯ СОРГУ БЎЛГУНИЧА МУСОБАҚАДА ТОШКЕНТ УЧИЛАНДИ
АКАДЕМИЯСИДАН НАФАР ТАЛАБА КАТНАШИБ ЗУРНГА САЗОВОР
БЎЛИНДИ

Тошкент шаҳрийи "Плакатик" ишмаси МДУ филиали




2014-ЙИЛУ ДЕКАМБР КУДАДА ГЕРАКЛИЙ ВИЛОЯТИДА
СИЛОНДИШИЛАН КУРАШ СПОРТ ТУРИ БЎРИЧА МУСОБАҚАДА ТОШКЕНТ
ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДАН НАФАР ТАЛАБА КАТНАДИ





“УНИВЕРСИАДА” САРАЛАШ ШАХАР БОСҚИЧИДА ТТА ТАЛАБАЛАРИНИ ИШТИРОКИ ЖАРАЁНИ СПОРТ МУСОБАҚАЛА



2015-2016 ЎҚУВ ЙИЛИДА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА, ШАХАР МУСОБАҚАЛАРИДА ИШТИРОКИ





Академия терма жамоа сафидаги иқтидорли талабалар совринлари



Спорт доимо
хамрохингиз бўлсин!

